

Р.Х.Эргашев–ҚарМИИ профессори, и.ф.д.,
А.Д.Равшанов–ҚарМИИ доценти, и.ф.н.
Ж.Р.Қосимов–ҚДУ тадқиқотчиси

МЕВА-САБЗАВОТ ВА УЗУМ ЕТИШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: мамлакатимизда етиштирилаётган мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг аҳамияти таъкидланган. Мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштиришнинг устувор йўналишларининг бозор механизмлари ҳамда стратегиялари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, бозор, агросаноат мажмуаси, иқтисодий диверсификациялаш, мева сабзавот ва узум маҳсулотлари бозори, иқтисодий самарадорлик, талаб ва таклиф, ишлаб чиқариш, нарх, рақобат, маркетинг, инновацион фаолият, стратегия.

Кириш

Мамлакатда рақамли иқтисодий тартиб барқарор ривожлантириш асосида мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноат тармоқларининг эса хом ашёга бўлган талабини қондириш билан бирга, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашнинг истиқболли манбаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Мева-сабзавот, шоличилик, чорвачилик, ипакчилик каби бошқа тармоқларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этиш ишларини давом эттирамиз. Бу йил 2 миллиард долларлик, кейинги 5-7 йилда эса 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриш зарур[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини ижросини таъминлаш, мева-сабзавот ва узумчилик соҳасида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини ошириш, фойдаланишдан чиққан ва лалми ерларни ўзлаштириш, пахта, ғалладан қисқартирилаётган майдонларга экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек, боғ, токзор ва иссиқхоналар имкониятларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва 2019 йил 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4239-сон қарорига асосан худудларида мева-сабзавотчилик ва узум етиштиришнинг рақобатбардошлигини ошириш муҳим ўрин эгаллайди[2].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Мева-сабзавот ва узум етиштиришнинг устувор йўналишларини хар томонлама ошириш қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг самарали йўналиши саналади.

Ушбу тадқиқот йўналишида бир қанча мамлакатимиз олимлари шуғулланиб келмоқдалар. Жумладан, Р.Х.Тошматов мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги илғор тажриба таҳлили ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг кооперациясини ривожлантиришни самарали рағбатлантириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда[3]. У.С.Мухитдинова мева-сабзавотчилик соҳасини такомиллаштириш, шу жумладан мева-сабзавот маҳсулотлари экиладиган майдонларни, сақлаш ва қайта ишлаш қувватларини сезиларли ошириш[4]. Р.Х.Эргашев қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот таннархини камайтириш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини таннархини аниқлаш усулларини ишлаб чиқалган[5]. А.Д.Равшанов мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқишнинг устувор йўналишларининг иқтисодий кўрсаткичлари асослаб берилган[6].

Таҳлил ва натижалар

Аҳоли фаровонлигини ва турмуш даражасини доимо ошириб боришда энг самарали ва тез натижа берадиган соҳа бу мева-сабзавот ва узум ишлаб чиқаришда юқори даромадли рақоботбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан боғдорчилик тармоғи хўжаликларида бошқарув тизимини яхшилаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, мева-сабзавотчиликда кооперацияни йўлга қўйиш, замонавий ресурс тежамкор технологиялар асосида юқори сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, озиқ-овқат саноатини жадал суръатларда ривожлантириш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жаҳон бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси 205 миллиард долларни ташкил этган бир пайтда, бизнинг улушимиз бир фоизга ҳам етмаяпти. Мамлакатимизда 2020 йилга бориб мева-сабзавот экспортини 2,5 миллиард долларга етказиш, 2021-2023 йилларда бу кўрсаткични 5 миллиард долларга етказиш имкониятлари мавжуд.

эришиш учун

- экин ва навларни тўғри танлаш;
- ҳосилдорлик ва даромадни камида икки-уч баробарга ошириш; исрофгарчиликларни олдини олиш;
- маҳсулотларни сақлаш;
- логистика масалалари;
- экспортни тўғри ташкил этишдир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотларига асосан Республикаимизда келгусида озиқ-овқат экинлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш ва ўстирилаётган нав турларининг

кўламини кенгайтириш ва асосда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилиши натижасида 2019 йилда 9 945,5 минг тонна (101,9 %) – сабзавотлар, 2 739,6 минг тонна (101,2 %) – мевалар, 1 595,2 минг тонна (100,3 %) – узум ишлаб чиқарилди. Сабзавот ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжалик тоифалар бўйича таҳлил қилинганда, сабзавот ишлаб чиқариш умумий ҳажмда 70,7 фоизи, деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Полиэкинлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжалик тоифалар бўйича таҳлил қилинганда, полиэкинлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмда 59,8 фоизи, деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Мевалар ва резаворлар ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжалик тоифалар бўйича таҳлил қилинганда, мевалар ва резаворлар ишлаб чиқариш умумий ҳажмда 60,0 фоизи, деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Узум ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжалик тоифалар бўйича таҳлил қилинганда, узум ишлаб чиқариш умумий ҳажмда 56,3 фоизи, деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади[7].

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси бўйича 2020 йилда экин майдонларини оптималлаштиришнинг якуний прогноз кўрсаткичлари. [3]

Худудлар	Жами оптималлашадиган майдон (минг га.)	Шу жумладан экинлар бўйича		Экин майдонларида жойлаштириладиган экин турлари					
		Пахта майдонлари	Сувл ғалла майдонлар	Картошка	Сабзавотлар	Интенсив боғлар	Озуқа экинлари	Мойли экинлар	Бошқа экинлар
Қорақалпоғистон Республикаси	7,0	7,0		1,5	2,2	0,5	0,7	0,9	1,2
Вилоятлар									
Андижон	15,2	11,2	4,0	2,8	6,4	1,6	2,6	1,1	0,7
Бухоро	15,0	10,0	5,0	2,4	7,1	1,2	3,1	0,8	0,4
Жиззах	27,5	22,5	5,0	4,0	11,0	1,5	7,8	14,6	1,6
Қашқадарё	22,4	18,4	4,0	2,3	9,7	1,8	5,1	1,8	1,7
Навоий	3,4	3,4		0,5	1,4		1,0	0,5	
Наманган	15,1	10,1	5,0	3,0	6,8	1,6	2,1	0,8	0,8
Самарқанд	22,2	16,2	6,0	4,2	8,3	2,0	6,3	0,7	0,7
Сурхондарё	19,3	14,3	5,0	3,0	8,7	1,6	4,0	1,2	0,6
Сирдарё	27,7	22,7	5,0	3,8	10,1	1,6	8,8	2,1	1,3
Тошкент	19,4	13,4	6,0	4,0	7,5	2,3	4,0	1,0	0,6
Фарғона	17,5	12,5	5,0	4,1	7,0	1,8	3,3	0,6	0,7
Хоразм	8,8	8,8		0,4	4,8	0,3	1,5	0,9	0,9
Жами	220,5	170,5	50,0	36,0	91,0	18,0	50,3	14,0	11,2

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда дунё бозорларида гилос, ўрик, олхўри, анор, узум, бодом, цитрус мевалар каби маҳсулотларга талаб юқори ва ушбу маҳсулотлар экспорт тушумининг асосий қисмини ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда мева-сабзавотчилик соҳасини такомиллаштириш, шу жумладан мева-сабзавот маҳсулотлари экиладиган майдонларни, сақлаш ва қайта ишлаш қувватларини сезиларли ошириш, мазкур тармоқни ривожлантириш учун халқаро молиявий институтларнинг маблағларини фаол жалб этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорнинг қабул қилиниши айни муддоадир. Бунинг натижасида:

- паст рентабелли экин майдонларида пахта ва ғалла етиштиришдан кўриладиган зарарни 80 млрд. сўмга қисқартириш;
- кўшимча 1 млн. тоннага яқин мева сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- худудларда 48,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларини ташкил қилиш натижасида ушбу экин майдонларида банд бўлган аҳоли сонини 75,6 мингтага етказиш;
- мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ҳажмини 2 бараварга ошириш каби устувор вазифалар қуйилган [3].

Булар бевосита аҳолининг истеъмол саватчасини тўлиқ ва сифатли таъминлашга қаратилган

Мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари сифати бир-бири билан узвий боғланиб кетган кўп сонли омилларга боғлиқ бўлиб, уларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: а) табиий иқлим омиллари; б) селекция нав омиллари; в) инновацион омиллар; г) ташкилий-иқтисодий омиллар; д) инсон омиллари.

Ўзбекистон юқори ҳосилдорлиги янги навларни чиқариш, экинларни етиштириш ва парвариш қилишнинг илғор технологиялари ва илму фан ютуқларини жорий қилиш ҳисобига мевазорлар ва узумзорлар ҳосилдорлигини ошириш учун катта ички захираларга эга.

Мамлакатимизда мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг устувор йўналишларини белгиловчи омилларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ушбу устувор йўналишлар Ўзбекистон Республикасининг мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштирувчи ва экспорт қилувчи давлат сифатида шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда мева-сабзавот ва узум етиштиришнинг устувор йўналишлари мажмуасидаги қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- а) табиий иқлим шароитларининг қулайлиги;
- б) мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари сифат даражасининг юқорилиги;
- в) юқори малакали ишчи кучларининг мавжудлиги;

г) инновацион ва инфратузилманинг ривожланганлиги ва бошқалар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг устувор йўналишларини белгилашда энг аввало маҳсулот рақобатбардошлигини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ:

- мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозори конъюктурасини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- мева-сабзавот ва узум ишлаб чиқарувчи рақобатчилар ва уларнинг брэнд маҳсулоти таъсири тўғрисида маълумотлар йиғиш ва таҳлил қилиш орқали (анкета сўровлари, учрашув ва суҳбатлар ўтказиш орқали);
- мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини потенциал сотиб олувчилар истеъмол ҳажми ва уларнинг даромадларини ўрганиш;
- мева-сабзавот ва узум ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда истеъмолчилар бўйича бозорни сегментлаш;
- ҳар бир сегментдаги асосий рақобатчиларни ажратиб олиш (мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг сифати ва нархи бўйича рақобатбардошлик даражасини баҳолаш);
- ҳар бир ёки ажратиб олинган сегментда брэнд маҳсулотларни истеъмолчиларга таъсирини аниқлаш;
- мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари рақобатбардошлигининг умумий ҳисоб-китоби;
- мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштиришга таъсир омилларини таҳлил қилиш;
- мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг нарх, сифат кўрсаткичлари ва брэнд ривожланиши даражаларини инобатга олган ҳолда рақобатбардошликни ошириш чора-тадбирлари ва йўналишларини аниқлаш.

Юқорилардагилардан келиб чиққан ҳолда мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг устувор йўналишларини ошириш чора-тадбирлари йўналишларини белгилаш лозим:

- жаҳон бозорида корхоналарнинг мева-сабзавот ва узум етиштиришнинг устувор йўналишларини асослаш;
- жаҳон бозори харидорлар ва рақобатчилар ҳақида маълумотлар йиғиш ва таҳлил қилиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш, уни сотиш харажатларини баҳолаш;
- рақобат афзалликларидан фойдаланишнинг устувор йўналишларнинг стратегияларини ишлаб чиқиш;
- баҳоланиши лозим бўлган ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ўлчамларини ишлаб чиқиш ва танлаш;
- мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг сифати, иқтисодий ва маркетинг ўлчамларига доир кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш ва таҳлил қилиш;
- корхоналарнинг ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳажми бўйича устувор йўналишларини баҳолаш;
- мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштирувчи корхоналарнинг устувор йўналишлари ҳақида илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган илмий тадқиқотларда Ўзбекистон Республикаси мева-сабзавот ишлаб чиқаришда ва экспортини ташкил қилишда улкан имкониятларга эга. Шу сабабли мамлакатимизда мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштиришнинг устувор йўналишларини ривожлантириш учун кўйидаги амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

- боғдорчиликда ва узумчиликда интенсив усулдаги боғлар етарлича ташкил этиш;
- боғ ва токзорлар яроқсиз ҳолатга келиб қолгани сабабли уларни янги интенсив боғларга алмаштириш орқали иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;
- миндақаларда ерлардан самарали фойдаланиш ва ҳосил бермаётган боғ ва токзорларни янгилаш;
- маҳсулот етиштириш, харид қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда экспорт кластерини ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги кооперация тизимини жорий этиш;
- мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларини ривожлантириш;
- мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида селекция ишларини йўлга қўйиш;
- мева-сабзавотчилик ва узумчиликнинг ривожланиши учун уларнинг экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш;
- суғориладиган ҳудудларда мева-сабзавот узум маҳсулотлари етиштириш ҳажмини оширишнинг асосий йўли ҳар бир гектар экин майдонидан интенсивлаш ҳисобига мевали дарахтлар ва узум кўчатларидан олинадиган ҳосилдорликни ошириш;
- мева-сабзавотчилик ва узумчиликда такрор ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш, илғор технологиялар ва нав селекциялаш борасида янги инновацияларни жорий қилиш ва ҳ.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январ. расмий веб-сайти.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4239-сонли Қарори
3. Тошматов Р.Х. Ўзбекистон ҳудудларида мева-сабзавотчиликни ривожлантириш: методологияси, таҳлил ва прогноз. Монография “LESSON PRESS” 2017 й 124 б
4. Мухитдинова У.С. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозорининг иқтисодий самарадорлигини ошириш. иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси автореферати.-Т.: 2009, -45 бет.
5. Эргашев Р.Х. Инновацион иқтисодиёт. Дарслик. – Т.: Молия-иқтисод, нашриёти 2019, 404 бет.

6. Равшанов А.Д. Фермер хўжаликлари рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари. Монография.-Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2014, -136 бет.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитасининг 2019 йилдаги маълумотларига

<p>Р.Х.Эргашев, А.Д.Равшанов, Ж.Р.Қосимов</p> <p>Основные направления производства фруктов, овощей и винограда</p> <p>Аннотация: Рассмотрена важность продукции из выращенных в нашей стране фруктов, овощей и винограда. Разработаны рекомендации по рыночным механизмам и стратегия приоритетных направлений производства фруктов, овощей и винограда.</p> <p>Ключевые слова: глобализация, агропромышленный комплекс, диверсификация экономики, рынок плода овощей и виноградарства, экономическая эффективность, конкурентоспособность, спрос и предложение, производство, цена, конкурентный маркетинг, инновационная деятельность, стратегия.</p>	<p>R.X.Ergashev, A.D.Ravshanov, J.R.Kosimov</p> <p>The main directions of production of fruits, vegetables and grapes</p> <p>Abstract: The importance of products from fruits, vegetables and grapes grown in our country is considered. Recommendations on market mechanisms and a strategy of priority areas for the production of fruits, vegetables and grapes have been developed.</p> <p>Keywords: globalization, market, agro-industry complex, diversification of economy, market of vegetable-fruits and grape production, economic efficiency, competitiveness, supply and demand, production, cost, competence, marketing, innovation activity, strategy</p>
---	---